АҲОЛИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРГА ДАХЛДОРЛИК ҲИССИНИ КУЧАЙТИРИШ

Дуланов Ботир Эрқулович
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академияси мустақил изланувчиси

https://doi.org/10.5281/zenodo.10144206

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ва бунёдкорлик ишлари натижасида халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши ўзгармоқда. Юртимизда ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини барпо этишда “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” деган ҳаётбахш ғоянинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Бу борада олиб борилаётган муҳим ишларга қарамасдан, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги янгиланишлар жараёнида маънавий-маърифий ислоҳотларнинг самарадорлигига тўсиқ бўлаётган қатор тизимли муаммолар сақланиб қолмоқда.

Ушбу муаммоларни бартараф этиш мақсадида мамлакатимизда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жойларда маънавий-маърифий ишларни йўлга қўйишнинг ҳуқуқий асослари яратилган бўлиб, уларда ушбу йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган барча устувор вазифалар белгилаб қўйилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5040-сонли қарорида маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган. Хусусан, эзгулик ва инсонпарварлик тамойилига асосланган **«Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари»** ғоясини кенг тарғиб этиш орқали жамиятда соғлом дунёқараш ва бунёдкорликни умуммиллий ҳаракатга айлантириш устувор вазифа қилиб белгиланган.

Ҳудудларда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ишлар сифати ва самараси кўп жиҳатдан давлат бошқаруви органларининг фаолият натижадаорлигига боғлиқ. Ҳудудларда юзага келган маънавий муҳитдан етарли даражада хабардор бўлиш, бу борадаги муаммоларни чуқур ўрганиш ва уларни ўз вақтида бартараф этиш чораларини кўриш долзарб вазифлардан бири ҳисобланади. Масалан, туман ва шаҳарлардгиа Маънавият ва маърифат масканлари ишини тўғри ташкил этиш ҳудудлардаги ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш, маънавий-маърифий ишлар сифатини ошириш, ҳудуддаги маънавий муҳитни ўрганиб, таҳлил қилиб бориш имконини беради. Бунинг учун ижодкор зиёлиларни ўша масканга жамлаб, уларнинг фаолиятини ҳамкорликда ташкил қилиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Таҳлиллар ва ўрганишлар асосида шуни таъкидлаш лозимки, аҳоли ўртасида лоқайдлик, ижтимоий ва сиёсий пассивлик, боқимандалик каби кайфиятларнинг ошиб кетишини ўз вақтида баҳолаш, уларнинг миллий ўзлигини англаши бўйича тарғибот ва ташвиқот ишлари етарли даржада олиб борилмаётган ҳудудларни куришимиз мумкин. Қолаверса, жойларда оғир тоифадаги аҳолини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларимиз ҳам изчил стратегияга асосланмаган. Асосий мақсадни унинг бирламчи эҳтиёжини қондиришга йўналтирган ҳолда, маънавий дунёқарашини шакллантиришни эсдан чиқаряпмиз. Аслида ҳар бир кўрсатилган ёрдам ўша фуқаронинг оёққа туриб олишига, келажагини қуриши учун ўзи ҳаракат қилиши лозимлигига йўналтирилган бўлиши лозим. Бошқача айтганда, биз оч одамга балиқ эмас, балки қармоқ беришимиз лозим.

Тарғибот ишларини ташкил этишда эътибор қаратиладиган яна бир муҳим жиҳат бор. Бу тарғибот материаллари бевосита йўналтирилаётган аудитория, яъни аҳолининг қайси ижтимоий гуруҳи билан кўпроқ ишлаш лозимлигини англаб ололмаётганлигимизда акс этади. Бизнингча, асосий тарғибот ишларини 30 ёшгача бўлган қатламга йўналтириш, улар билан тизимли ишлашни йўлга қўйишимиз лозим. Чунки, ҳар бир инсоннинг мустақил дунёқараши ва фикри 30 ёшгача шаклланиб улгуради. Бу ёшдан юқори қатламнинг ўз фикри, ўз қадриятлари ва қарашлари бўлади.

Бундан ташқари, ёшлар нафақат келажак, балки **“бугуннинг руҳи”** бўлиб, улар келажак мазмуни ва характерини белгилаб беришини, **“янги замон руҳи”**ни олиб киришини чуқур англашимиз зарур. “Авлодлар назарияси”ни ўрганган америкалик олимлар Нейл Хоув ва Уильям Штрауснинг фикрича, инсон характери ва дунёқараши 12-14 ёшгача ўзи яшаган муҳит ва тарбияланган шароитига боғлиқ бўлади. Чунки, айнан шу ёшда ҳар бир индивиднинг инсоний қадриятлари ва дунёқараши шаклланади ва улар бутун умри давомида ўзгармайди.

Бизнинг замонамизда ҳам ёшлар муаммолари тобора чуқурлашиб бормоқда. Ёшлар орасида **устувор мақсад ва қарашлар ўзгармоқда**. Бугунги ёш авлодда тоқатли, ҳалол, ватанпарвар бўлиш, оила ва келажак ҳақида ўйлаш ўрнига, тобора кўпроқ қарамлик, зўравонлик ва ўзини бошқалардан устун қўйиш орқали **ажралиб туриш стереотипи** кучайиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида давлат ва жамият олдига ушбу муаммоларга ечим топиш, ёшлар онгига меҳр-оқибат, ватанпарварлик ва инсонийликни сингдириш каби муҳим вазифаларни қўяди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мураккаб мафкуравий тенденциялар шароитида соғлом дунёқарашли ёшлар қатламини шакллантиришга тўсиқ бўлаётган 7 та энг муҳим муаммолар мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардир:

–Ижтимоий тармоқларга қарамлик;

–Ахлоқсизлик (хулқ-атворнинг ўзгариши);

–Ҳаётий қадриятларни алмаштириш;

–Авлодларни нотўғри тушуниш;

–Тенгдошлар босими (камситилиш)

–Алкоголизм ва гиёҳванд моддаларга ружу қўйиш;

–Жиноят йўлига кириш ёки ўз жонига қасд қилиш (суицид).

Мазкур иллатларга қарши ҳудудларда ҳар бир сектор раҳбари уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаб, манзилли ва тизимли ишларни ташкил этмаса, соғлом дунёқарашли ёшлар қатламини шакллантириш қийин кечади. Албатта, бу ишлар билан шуғулланиш ва натижага эришиш учун битта сектор раҳбарининг саъй-ҳаракати ва кучи етарли бўлмайди. Бунинг учун ҳудудлардаги барча ижтимоий комплексни, маҳаллаларни ва жамоатчилик вакилларини ушбу масалаларга сафарбар қилиш лозим бўлади.

Президентимиз шундай шароит яратиб бердиларки, ҳокимлар ва сектор раҳбарларида қишлоқ хўжалиги ишлари билан боғлиқ масъулияти бундан етти йил олдинги вақтдагидек эмас. Бу ишлар билан шуғулланувчи алоҳида тизим жорий қилинган. Бундан мақсад ҳокимлар ва сектор раҳбарларини асосий эътиборини ижтимоий муаммоларни бартараф этишга қаратиш бўлиб, астойдил шуғулланса, маҳаллаларда соғлом дунёқараш ҳам шаклланади, аҳолининг ислоҳотларга дахлдорлик туйғуси юксалади. Зеро, буюк юнон мутафаккири Платон шундай дейди: “ҳокимлар қилиши лозим бўлган энг муҳим вазифалардан

бири бу – аҳоли, айниқса, ёшларни идрокли бўлишларига кўмаклашиш, шарт-шароит яратиш. Қайси ҳоким шу ишни қилишда етакчи бўлса, ўша ҳудудда ислоҳотларга даҳлдорлик ҳисси кучаяди, жамиятда соғлом дунёқараш муҳити юзага келади. Ва, албатта, халқ ҳокимдан рози бўлади".

Ўз навбатида халқимиз ҳам ўз бахти, фаровон ҳаёт қуриш имконияти ўз қўлида эканлигини англамаса, онгу тафаккурини юксалтириш, чин инсоний ўзлигини англаш сари шаҳдам қадамлар ташламаса, "Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари" юра олмаймиз, қолаверса, жамиятда соғлом дунёқараш ва бунёдкорликни умуммиллий ҳаракатга айлантириш жараёни ҳам қийин кечади.

Амир Темур бошқаруви фалсафасида асосий эътибор раҳбарларнинг легитимлигини таъминлашга қаратилган. Раҳбарнинг легитимлиги қачон таъминланади? Қачонки, раҳбар ҳудуд аҳолиси билан юзма-юз мулоқот ўрнатса, юксак маънавияти ва билим доираси билан аҳолига қалбига йўл топа олсагина унинг обрўси ва мартабаси юксалади, унга нисбатан ишонч пайдо бўлади. Шу маънода, ҳокимлар ва сектор раҳбарлари ўз имкониятидан келиб чиқиб, камида икки ҳафтада бир маротаба ҳудуддаги кўзга кўринган, аҳолига таъсир кучига эга бўлган, ўтмиш ҳаёти билан аҳолига, хусусан ёшларга ибрат бўла оладиган, зиёлилар қатлами билан учрашишни йўлга қўйса, давлат ва халқ ўртасидаги ишонч аста-секин ортиб боради. Қолаверса, бундай суҳбатлар давомида Президентимиз бошчилигида амалга оширилаётган ислоҳотлар, ҳудуддаги қилинаётган ва қилиниши лозим бўлган келгуси режа ва вазифалар хусусида фикр алмашилса, халқ хокимлар ва сектор раҳбарларини маъмурий шахс сифатида эмас, маҳалладош, дардкаш сифатида кўрса, **"бизни ҳурмат қилди, биз ҳам ҳурмат қиламиз, биз билан маслаҳатлашди, биз ҳам эргашамиз"** формуласи ишга тушади ва ҳудудда амалга оширилаётган ишларга тўғаноқ бўлаётган айрим тўсиқлар чекинади.

<u>Энди эса бевосита маҳалла фуқаролар йиғинларида сектор раҳбарлари томонидан эътибор қаратилиши лозим бўлган вазифаларни санаб ўтсак:</u>

1. Ҳар бир сектор раҳбари ўзига бириктирилган маҳаллаларда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ишларни мувофиқлаштириш тизимини йўлга қўйиши керак. Бугунги кунда қуйи тизимда ва маҳаллаларда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ишлар тарқоқ ҳолатда. Маҳалла бешлиги, таълим муассасалари ва ҳудуддаги корхона ва ташкилотларда ташкил этилаётган тадбирлар, амалга оширилаётган лойиҳаларнинг барчасини мувофиқлаштирувчи тизим яратилмаган. Ваҳоланки, бу борада ишлар кетаяпти.

Ҳар бир сектор раҳбари ўз ҳудудидаги маънавий–маърифий ишларни мувофиқлаштиришга масъул ходим бириктиради. Бир ойда бир маротаба амалга оширилган ишлар юзасидан сектор кенгаш йиғилишини ўтказади. *(Ҳар чоракда бир маротаба кенгаш раиси-ҳоким томонидан туман, шаҳар кенгаши йиғилиши ташкил қилинади).* Кенгаш йиғилишида амалга оширилган ишлар мухокама қилиниб, рағбат ва жазо чораларини қўллаш усули жорий этилади.

2. Маҳаллалар ва меҳнат жамоаларида **"Янги Ўзбекистон ислоҳотлари"** рукни остида тарғибот тадбирлари ўтказиш. Мазкур рукнда суҳбатларни ташкил этилиши маҳалла аҳолисида Ўзбикистонда амалга оширилаётган янги ислоҳатлар, қабул қилинаётган қонунлар, эришилаётган ютуқлар ва бошқа кўплаб янгиликлардан жонли ҳабардор бўлади. Бу эса аҳолида секин-аста ислоҳотларга нисбатан дахлдорлик туйғусини шаклланишига хизмат қилади. Ҳар ойда **2 маротаба** маҳаллалар ва меҳнат жамоаларида ҳудудий маънавият тарғиботчиларни жалб қилган ҳолда **"Янги Ўзбекистон ислоҳотлари"** рукни

остида тарғибот тадбирлари ўтказилади. Туман Маънавият ва маърифат бўлинмаси томонидан **“Янги Ўзбекистон ислоҳотлари”** тарғибот тадбирларининг бир йиллик мавзулар банки шакллантирилади ва сектор раҳбари томонидан тасдиқланади. Мазкур тадбирларни ташкил қилишга маҳалла раиси ва ёшлар етакчиси масъул бўлади.

3. Маҳаллада китобхонликни кенг тарғиб қилиш тадбирларни ташкил этиш. Президентимиз Ш. Мирзиёев томонидан илгари сурилган 5та муҳум ташаббуснинг 4-йўналиши **“Ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш”** бўлиб, бу сиёсатдан мақсад Президентимиз айтган **“Нажот таълимда, нажот билимда”** шиорини амалда ижросини таъминлашга қаратилган. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун ҳар 15 кунда ёшлар ўртасида, ҳар 30 кунда аҳоли ўртасида онлайн китохонлик викториналари ўтказилади. Бу борада Бувайда тумани тажрибасини қўллаш намуна сифатида таклиф этилади. (Давлатнинг ҳудудий маъмурий идоралари, корхона ва ташкилотларида, маиший хизмат кўрсатиш уйларида, меҳнат жамолари, бозорларда, гавжум ва фаол жойларда кичик ва қулай китоб жавонлари ташкил этиш, ҳокимлик йиғилишларида, маърифат соатларида. Айнан ўша жавонлардаги китобларнинг қисқача мазмуни ҳақида фикр мулоҳазалар сўралади.

4. Маҳаллада **радикал кайфиятдаги** ва ёт ғоялар таъсирига тушиб қолган фуқаролар билан **психо-реабилитацион суҳбатлар ўтказиш.** Сектор раҳбарлари томонидан маҳаллаларда аҳолини соғлом дунёқарашини шакллантириш, уларда ислоҳотларга даҳлдорлик туйғусини юксалтиришга қаратилган тадбирларнинг натижаси маҳаллада радикал кайфиятни келтириб чиқараётган вазиятлар билан тизимли ишлашни ташкил қилинишига бевосита боғлиқдир. Керак бўлса, маҳаллада радикализм таъсирига тушган битта одам, у ҳох диний ёки сиёсий бўлсин, барча эзгу ишларни йўққа чиқариши, одамлар билан давлат ўртасидаги муносабатларга, ўртадаги ишонч ришталарига путур етказиши мумкин. Сектор раҳбарлари маҳалладаги мавжуд вазиятдан доимий ҳабардор бўлиши, таҳлилий ўрганишларни амалга ошириши муҳим ҳисобланади. Ҳар ойнинг учинчи ҳафтасида экспертлар иштирокида радикал кайфиятдаги ва ёт ғоялар таъсирига тушиб қолган маҳалла фуқаролар билан **психо-реабилитацион** суҳбатлар ташкил этилади. Радикал кайфиятдаги одамларни соғломлаштириш мақсадида маҳалла ҳамкорлигида маънавий-маърифий тадбирларга тез-тез жалб қилиш уларни жамиятга ижтимоий мослашишларига амалий ёрдам беради.

5. Маҳаллаларда *(маҳалла еттилиги билан)* фидоий, ватанпарвар авлодни тарбиялашга қаратилган тадбирларни ташкил этиш. Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг “Ёшларнинг бўш вақти душманнинг иш пайти” деган, ҳикматли иборасидан келиб чиққан ҳолда маҳалладаги ёшлар билан тизимли ишларни ташкил этиш муҳим ҳисобланади. Ҳафтанинг ҳар жума оқшомида сектор раҳбарлари маҳаллаларда **(маҳалла еттилиги билан)** фидоий, ватанпарвар ва соғлом дунё қарашли ёшлар авлодни тарбиялашга қаратилган гулхан атрофида **“Маърифат кечалари”** лойиҳаси ташкил этилади. Ушбу тадбир ёшлар онгига юмшоқ сингдириладиган кўнгил очар дастурлар, китобхонлик кечалари, мушоира ва “Уч авлод” учрашувлари ташкил этилади.

6. Маҳалаларда боқимандалик кайфиятига тушиб қолган аҳоли ўртасида **“камбағаллик психологияси”** стереотипига қарши **маънавий-профилактик** таъсир этувчи тарғибот тадбирларни ташкил этиш. Бугунги кунда маҳаллаларда боқимандалик кайфиятига тушиб, **“Берсанг ейман, урсанг ўламан”** қабилида барча маиший муаммоларини давлат ҳал қилиб беради деган, оилалар учраб туради. Афсуски, аҳоли

айниқса ёшлар орасида бирёқлама стереотип шаклланиб бормоқда. ***Амалга ошириш механизми:*** Маҳалаларда боқимандалик кайфиятига тушиб қолган аҳолини соғломлаштириш, ушбу иллатларнинг ривожланишини олдини олиш сектор раҳбарларига осон бўлмайди.

Аммо курашмаса ҳам бўлмайди. Бу иллатга қарши курашиш учун икки томонлама ҳаракатлар амалга оширилиши лозим бўлади.

Биринчидан, Республика миқёсидаги ташкилотлар (Маданият вазирлиги, Ўзбеккино агентлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази) аҳолида камбағаллик ва боқимандалик кайфиятларини соғломлаштириш, бунёдкор мақсадга йўналтириш учун инсон онги ва қалбига самарали таъсир этадиган тарғибот воситалари, жумладан, ҳаётий воқеликка асосланган спектакллар, бадиий ва ҳужжатли фильмлар суратга олиниши, ижтимоий тармоқларни 3-5 минутлик роликлар билан бойитиш талаб этилади.

Иккинчидан, Жиззах шаҳар тажрибаси асосида, имконияти чекланган, аммо ўз ҳаёт йўлини муваффақиятли қурган ватандошларимиз ҳақида 5-10 дақиқалик мотивацион роликларни суратга олиш ва роликларни туманда яшаётган ёшлар орасида кенг намойиш этиш ишларини ташкил этиш ва улар билан жонли мулоқотларни йўлга қўйиш.

7 Маҳаллаларда маънавият туризмини ташкил этиш. Бу лойиҳани амалга оширишдан мақсад муқаддас қадамжолар, зиёратгохлар, маданий мерос объектларига ташрифи орқали ёшлар онгига ватанга мухаббат, садоқат ва ватанпарвалик туйғуларини сингдириш орқали уларда соғлом этиқодни шакллантириш ҳисобланади. Сектор раҳбарлари туман, шаҳар туризм ва Маънавият ва маърифат бўлинмалари, ёшлар ишлари агентлиги шунингдек, нуронийлар вакиллари билан биргаликда “Маънавият туризми”ни ташкил этади.

8. Меҳнат мигрантлари ва уларнинг оилалари билан ишлаш. мигрантлар ўз оилаларига нафақат иқтисодий манфаат, балки менталитетимиз учун ёт бўлган, айрим ҳолларда тажовузкорлик ва бузғунчиликка йўналтирилган ғояларни ҳам олиб киришмоқда. маҳаллада мавжуд меҳнат мигрантларининг рўйхатини шакллантириш, меҳнат мигрантлари билан алоқа ўрнатишга интилиш, уларнинг оиласи ҳолидан мунтазам хабар олиб туриш, муайян муаммоларини ечишда кўмаклашиш яхши самара бериши шубҳасиз. Бундан ташқари меҳнат миграциясидан қайтиб келган ёшларни маҳалланинг ижтимоий ҳаётига фаол жалб этиш ижтимоий маънавий мухитни барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

REFERENCES

1. Маҳаллабай ишлаш тизимини янада кучайтириш юзасидан ўқув-амалий қўлланма. Тошкент. “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази, 2023 йил. – 138 б.
2. *Платон*: *Государство* ; Издательство · АСТ, 2022 г. ; Серия · Эксклюзивная классика ; ISBN · 978-5-17-098343-8; Страниц 448
3. Мирзиёев Ш. М. «Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари» 4-жилд. - Т.Ўзбекистон, 2020. 442 б.